

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК - МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338.43.02(575.1) 631.11(575.1)

Раджапов Камоладдин Эркаевич

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ
(ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.04 – «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2009

Диссертация иши Урганч Давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлар доктори, профессор
Рузметов Бахтияр.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлар доктори, профессор
Қодиров Абдурашид Мажидович;

иқтисод фанлар номзоди
Муйдинов Зафаржон Хокимжонович.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги.


Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк – молия академияси хузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2009 йил «17» Август соат «14» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси. 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «21» Октябрь да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.н. И.М. Мирзаев Ф.И.Мирзаев.



ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат Аграр тармоғи бозор муносабатлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг мураккаблиги ва бугунги кун талаб ва тақлифига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Бу эса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш омилларининг чекланганлиги мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжалиklarининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самардорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда»¹.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш долзарб муаммога айланмоқда. Дунё озиқ-овқат бозоридаги кескин вазият ва қишлоқ хўжалигининг иқтисодий беқарорлиги айрим мамлакатлар истеъмол бозорининг импортта боғлиқлигини кучайтириб, озиқ-овқат хавфсизлигини пасайтирмоқда. Шу сабабли, мазкур муаммонинг самарали ечими, бир томондан, аграр секторни давлат томонидан бошқариш механизмини такомиллаштиришга, иккинчи томондан, фермер ва деҳқон хўжалиklarини самарали ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳозирда, мураккаб демографик ҳолат сув ресурсларининг етишмаслиги туфайли, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш имкониятини чекланганлиги аграр секторни барқарор ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратишни талаб этади.

Айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини оптимал ҳудудий-тармоқ таркиби Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш омиллари чегаралангани ва экологик вазиятнинг кескинлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш, иқтисодийetni ушбу секторида бозор муносабатлари амалга оширилишида хўжалик юритувчи субъектларни горизонтал ва вертикал алоқалари ўзаро таъсирини самарали шакллари тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этади.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлаш борасида янада чуқур изланишлар олиб бориш даркор. Ушбу муаммони вилоят даражасида ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у давлат органлари, бошқарув тузилмалари ва бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги боғловчи

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланиш изчил давом эттириш давр талаби. Тошкент, «Ўзбекистон», 2009.-6.48.

бўгин ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш устувор йўналишларини тадқиқ этиш илмий амалий жиҳатдан долзарблик касб этади. Бу эса, диссертация мавзусининг танланиши учун асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари М.Баккет, М.Кемпбелл, С.Брю, А.Г.Михеев, Й.Свинен, Ч.Макурс, С.Б.Ошивен, С.О.Сиптица, О.С.Пчелинцев каби хорижий олимлар томонидан таҳлил қилинган².

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш масалалари А.Жўраев, Ф.Назарова, У.Нигмаджанов, А.Қодиров, У.Умурзоқов, Ч.Муродов, Р.Хусанов, И.Хушматов, К.Чориев, Т.Фармоновлар томонидан ўрганилган³.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуаси ҳудудлари ва тармоқларининг ўзаро таъсири муаммолари ўрганилишига Б.Рузметов, Б.Султанов, Ф.Эгамбердиев И.Трушинлар илмий ишлари бағишланган бўлса, К.К.Бектемировнинг номзодлик диссертациясида эса Қорақалпоғистон Республикаси табиий-ресурслари салоҳиятини таҳлил этиш ва уни барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Б.Султоновнинг илмий ишида қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, З.Муйдиновнинг илмий тадқиқотида эса, иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган⁴.

Маълумки, иқтисодий адабиётга киритилган ишларда минтақа ва тармоқ даражасида аграр соҳа барқарор ривожланишини таъминлаш муаммолари ўрганилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, агросаноат мажмуасида мураккаб ижтимоий-экологик-иқтисодий тизим шароитида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ўзгаришларни барқарор ривожлантиришнинг назарий методологик жиҳатларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч Давлат университетининг илмий-

² Баккет М. Фермерское производство. Организация, управление, анализ. М.: Агропром издат., 1989.-с.192.

³ Чориев К.А. Использование экономической оценки аграрных ресурсов в хозяйственном механизме. - Т.: Фан, 1994. - с.56.

⁴ Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ (на примере Хорезмской обл.). Автореф. дис. док. экон. наук. Т.: 1998. - с. 40.; Султанов Б.Ф. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқни иқтисодий - ижтимоий ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2001. -б. 24. ; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореферат докт. дисс. Т.: 2003. - с. 42. ; Трушин И.Ф. Реформирование земельно - водных отношений как условие экономического роста. Автореф. док. дисс. Т.: 1997.-с. 40. ; Бектемиров К.К. Обеспечение развития региона в условиях экологической напряженности (на примере Республики Каракалпакстан). Автореф. док. дисс. Т.: 2008.-с. 47. ; Муйдинов З.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2006.- б. 28.

тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- барқарор ривожланишга қаратилган назарий ёндашувларни ўрганиш ва ривожланиш методологиясини агросаноат салоҳияти юқори бўлган минтақага тадбиқан қўллашни асослаб бериш;

- аграр секторни барқарор ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ёрдамида хоризж тажрибасини Ўзбекистонда ижодий қўллаш имкониятларини ўрганиш;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати ва уни барқарор ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш, унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- Хоразм вилояти агро-ресурс салоҳиятини ўрганиш асосида вилоят аграр секторининг экологик-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

- фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлик даражасини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва уни барқарор ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини асослаб бериш.

Тадқиқот объекти. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнида содир бўлаётган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот давомида абстракт-мантӣқий, монографик, ҳисоб-китоб-конструктив, иқтисодий-статистик, индексли, қиёсий таҳлил, SWOT-таҳлили усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожлантирилишига оид тақлиф этилган илмий - амалий тавсиялар Хоразм вилояти аграр сектори ривожланиш стратегиясининг минтақада сув ресурслари тақчиллиги ва экологик вазиятнинг кескинлашувини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш имконини беради.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини баҳолаш кўрсаткичлари тизими индикаторли ёндашувдан фойдаланишга асосланади ва агросаноат ишлаб чиқаришининг ўсишини чекловчи омилларни аниқлаш имконини беради;

- фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда уларни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берувчи услубий ёндашув;

- ҳудудда қишлоқ хўжалигининг тармоқ тузилмасини такомиллаштириш заруратини асослаш ва мавжуд минтақавий табақаланиш сабабларини очиб

бериш;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт аграр секторини барқарор ривожлантиришга қаратилган услубий ёндашувлар умумлаштирилди ва ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ва экологик мутаносиб ривожлантириш йўналишларига аниқлик киритилди;

- «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлиги» тушунчасига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши субъектларининг ташқи ва ички бозор муҳити таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришнинг зарур суръатларини таъминловчи фаолият тури сифатида такомиллашган таъриф берилди;

- бозор ислохотларининг чуқурлашуви шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар: техника воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйилган нархлар диспаритети (белгиланган нархларнинг қилинган сарф - харажатлар миқдорига мос келмаслиги), ер-сув ресурсларининг сифат ҳолати, бозор инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги ва аграр соҳага инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилувчи омиллар эканлиги аниқланди ва улар гуруҳлаштирилди;

- Хоразм вилоятида аграр секторнинг ривожланиш тенденциялари, сув ресурсларининг тақчиллиги ва экологик кескинликнинг кучайиши шароитида уларнинг барқарорлик даражаси аниқланди;

- республика аграр секторида амалга оширилаётган институционал ислохотларни ҳисобга олиб, фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида уларни бозор шароитларига мослаштиришни акс эттирувчи барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантиришга қаратилган услубий ёндашувлар ишлаб чиқилди;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланган, бу аграр секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар иқтисодиёт аграр секторининг барқарор ривожланишини шакллантиришга муайян ҳисса қўшади, уни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш, аграр соҳа фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш имконини беради. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юрларида «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий натижалари давлат ва вилоят ҳокимлиги томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мақсадли

дастурларини ишлаб чиқишда, минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Хоразм вилояти ҳокимияти (2008 йил 28 октябрь маълумотнома №38/76) ва Хоразм вилояти фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси (2008 йил маълумотнома 31 март №31/390) тамонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот натижалари Хоразм вилоятида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларига бағишланган «ZEF» (Германия) халқаро дастури асосида бажарилаётган лойиҳалар даражасида амалиётга жорий қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Урганч давлат университети ва Банк-молия академияси ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари 14 халқаро ва республика илмий амалий конференцияларида маъруза кўринишда баён қилинган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари 3,1 босма табоқдан иборат, учта мақола, 14 та тезис кўринишида ўз ифодасини топган, шу жумладан, учта тезис халқаро нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, 23 та жадвал ва 12 та расмдан иборат. Диссертация матни 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишида муҳим бўлган ташқи табиий-ресурс чекловлари ва ички омиллар ўрганилган. Ушбу муаммо кенг қамровли бўлиб, бир томондан экологик жиҳатлар, иккинчи тарафдан эса, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларни биргаликда тадқиқ этишни тақозо этади.

Биз, иқтисодий адабиётдаги қишлоқ хўжалиги субъектларининг барқарорлигини уларнинг ташқи ва ички таъсирига қарши тура олиш, ишлаб чиқаришнинг ўзгариб турувчи шароитларига мослаша олиши ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган бозор эҳтиёжларини қондириш ва табиий муҳитда экологик мувозанатни сақлаб қолиш учун энг юқори самара билан қўллай олиш қобилияти сифатида белгилаш мумкин, деган фикрга қўшилиамиз.

Ушбу назарияларда тармоқ ички ва тармоқлараро алоқалар беқарорлигининг, табиий жараёнлар динамикасининг, ижтимоий эҳтиёжлардаги ўзгаришларнинг салбий оқибатларини камайтириш учун етарли бўлган шарт-шароитларни яратиш зарурати кўзда тутилган. Барқарорлик бундай ёндашувда барча тармоқларда ишлаб чиқариш аста секин ўсиб боргандагина эмас, балки баъзи тармоқларда вақти-вақти билан маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб, уларни ўрнини босувчи маҳсулотлар

ишлаб чиқарилганда ёки илгари яратилган ресурс манбалари ҳисобига бартараф этилганда ҳам барқарорликка эришиш мумкинлиги маълум бўлади.


Фикримизча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш барқарорлигини бундай тушуниш такрор ишлаб чиқариш микёси қанчалик катта бўлса ҳамда тармоқ ички ва тармоқлараро мувозанатларнинг бузилиши билан боғлиқ йўқотишлар қанчалик кўпайса, унинг иқтисодий аҳамияти шунчалик ортиб боришини тасдиқлайди.

Муаллиф қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш моҳиятини соҳа ишлаб чиқариш субъектларини аграр ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги оқилона нисбатни сақлаган ҳолда зарур ривожланиш суръатлари ва самарадорлигини ошириш имкониятлари, аҳолини озиқ-овқат ва соҳанинг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бозор муҳитининг ички ва ташқи таъсирига қарши тура олиш қобилияти сифатида таърифлайди.

Диссертация ишида республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва тўпланган амалий тажрибаларни ўрганиш асосида, агросаноат мажмуасини узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишлари умумлаштирилган:

- таркибий қайта қуриш, ихтисослашув, кооперациялаш ва интеграциялашнинг ривожлантирилиши; мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш; ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг самарали шакллари рағбатлантириш, ердан, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида хўжалик механизмини тақомиллаштириш;
- инвестиция салоҳиятини ошириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг зарарлигини бартараф этиш ва рақобатбардошлигини ошириш; ишлаб чиқариш натижалари учун моддий рағбатлантириш ва жавобгарликни кучайтириш;
- техник-технологик сиёсатни ўзгартириш; мақсадли дастурлар ва хўжалик юритишнинг мослашувчан тизимларини ўзлаштириш;
- корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришни тақомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис хизмати кўрсатишни жадал ривожлантириш.

Муаллифнинг фикрича, устувор йўналишларни бажариш бўйича чоратадбирларнинг амалга оширилиши босқичма-босқич йўлга қўйилиб, ишлаб чиқариш ҳажмларини аста-секин ошириб бориш ва уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш билан бирга содир бўлади ҳамда аграр секторни ривожлантиришнинг мақсади, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади, (1-расм).



1-расм. Agrar siyosatni shakllantirishning ustuvor yunalishlari⁵.

Қишлоқ хўжалиги барқарорлигини баҳолаш учун диссертация ишида унинг омилли ва натижавий томонларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги индикаторлар тизими гуруҳланди:

I- гуруҳ:

- табиий (об-ҳаво-иқлим, ҳудуд рельефи, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар ва ҳ.к.);
- моддий (ишчи кучи миқдори ва сифати, энергия ва ишлаб чиқариш

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

фондлари - билан таъминланганлик ва жиҳозланганлик, сарфланаётган ўғитлар миқдори ва сифати ва ҳ.к.);

- ижтимоий-иқтисодий (хўжалик юритиш шакли, ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперацияси, ижтимоий инфратузилма даражаси, ҳақиқий даромадлар ва аҳоли турмуш даражаси);

- ташкилий (ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил қилиш шакллари, қишлоқ хўжалиги ерлари таркиби, экин майдонлари, чорва моллари, асосий ва айланма фондлар таркиби ва ҳ.к.).

II- гуруҳ:

- экологик (ерлари шўрланиш даражаси ва бошқа сифат кўрсаткичлар; сув ресурслари билан таъминланиш даражаси ва сифати, агроф - муҳитга таъсир этувчи омилларини баҳолаш ва ҳ.к.).

III- гуруҳ:

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ялпи маҳсулот, бир бирлик майдонда маҳсулот етиштиришнинг қиймат ва натурал ифодаси;

- меҳнат унумдорлиги, 1 центнер маҳсулот таннарни;

- 1 центнердан ялпи ва соф даромад;

- ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги, фойда меъёри ва ҳ.к.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги етарлича барқарор бўлган иқтисодий ривожланиш омиллари тизимида ўзининг объектив асосланган ўрнига эга, уларни баҳолаш эса, минтақанинг ривожланиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Тадқиқотда иқтисодиётнинг аграр тармоғини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси ўрганилган ҳолда, унинг рақобатбардошлигини ошириш, барқарорлигини таъминлаш мақсадида диссертант томонидан, қуйидагича методологик услубият асосланган:

- биринчидан, биз, халқаро бозорда иқтисодиётнинг таркибий бўғинлари- хўжалик юритиш субъектлари ва уларнинг бирлашмалари билан рақобатлашамиз. Шундай экан, ҳозирги даврда аграр тармоқнинг рақобатбардошлиги – бу макро ва мезоиктисодий эмас, балки кўпроқ микроиктисодий ҳолат билан боғлиқдир;

- иккинчидан, замонавий бозор муносабатларининг асосий субъектлари, ва уни ҳаракатлантирувчи кучи стратегик тафаккурга, истиқболни кўра билиш қобилиятига эга бўлган тадбиркордир;

- учинчидан, агросаноат мажмуасида, рақобат стратегияси тармоқ хусусиятлари ва уларнинг ўзгаришларини ҳар томонлама тушунишга асосланган бўлиши керак.

Диссертантнинг фикрича, Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр

тармоғининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари хусусиятларини кенг кўламда таҳлил қилиш унинг барқарор ривожланишидаги асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.


Тадқиқот ишида олиб борилган таҳлиллар кўрсатишича 1997 – 2008 йилларда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 2 барабардан кўпроқ ошди, жумладан, ўсимликчиликда ушбу кўрсаткич 2,2 ва чорвачиликда 1,8 ни ташкил қилди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли ошди, бу умумий полиз экинлари, картошкани етиштириш кўламларининг ошиши билан боғлиқ. Гўшт ва сут ишлаб чиқариш, тегишлича, 48,9 минг тоннадан 79,0 минг тоннагача ва 350,6 минг тоннадан 527,3 минг тоннагача кўпайди.

Ўрганилаётган даврда экин майдонлари таркибида фермер ва деҳқон хўжаликлари улуши бир неча марта ортди, шу жумладан, 2003–2008 йилларда фермер хўжаликларига тегишли экин майдонлари 68959 гектардан 185890 гектаргача кенгайди, бу эса, барча тоифадаги хўжалиklar экин майдонларининг 82 фоизини ташкил қилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоятда ер-сув ресурсларидан фойдаланишда юзага келган вазият миқдорий (сув таъминоти ҳажмларининг камайиши) ва сифат омиллари (ерларнинг шўрланиши, суғориш сувларининг сифати ва ҳ.к.) билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориладиган ерларни сифат кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, кучсиз шўрланган ерлар 52,8%, ўртача ва кучли шўрланган ерлар 33,9% ва 13,3 фоизни ташкил қилади. Вилоят ер ости сувларнинг чуқурлиги ўртача 1-2,5м ташкил қилади (бу кўрсаткич ҳудудларнинг геоморфологик шароитида рельефга, сув билан таъминланганлик даражаси ва ҳ.к. ҳолатларга қараб турличадир). 2008 йилда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш даражаси 70 % (лимитга нисбатан) ташкил қилди, ўртача ер ости сувларини минераллашганлик даражаси 5г/л ташкил қилди.

Бу омиллар қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари – пахта хом ашёси ва дон экинлари ҳосилдорлигининг ўсишига салбий таъсир қилди, (2-расм).

Вилоятда 1997-2008 йилларда дон экинлари ҳосилдорлиги 41,5 ц/га дан 44,3 ц/га гача ошди, пахта ҳосилдорлиги эса 32,5 ц/га дан 23,6 ц/га гача пасайди. Тадқиқот ишида Хоразм вилояти туманларини қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўсиш суръатлари бўйича гуруҳлаш, улар ўртасида жиддий табақаланиш мавжудлигини кўрсатди, (1-жадвал).



2-расм. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигининг динамикаси, (ц/га)⁶.

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ва самарали ривожлантириш омилларида бири - уни вилоят ҳудудлари бўйлаб оқилона жойлаштиришдир. Хўжаликларни вилоят туманлари бўйлаб гуруҳлаш шуни кўрсатдики, 2006-2008 йилларда иқтисодий жиҳатдан энг самарали қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиши Гурлан туманида кузатишган, бу ерларда тармоқ ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари ўртача 105,0 фоиздан ортиқ бўлишига эришилган.

Тадқиқот ишида вилоят қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида, уни ривожлантириш стратегиясига оид фикр – мулоҳазалар илгари сурилди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини истиқболли ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган куйидаги минтақавий сабаблар аниқланди:

- қишлоқ хўжалигида сув таъминотининг пасайиши;
- тармоқлар экспортга йўналтирилиши уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ҳисобга олинган ҳолда етарлича ривожлантирилмаганлиги;
- демографик ҳолат қишлоқ аҳолиси сонининг табиий ўсиши нисбатан юқорилиги, урбанизация суръатларининг пастлиги, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг кўплиги билан белгиланиши;
- минтақада сув сифати ва тупроқ унумдорлигининг ёмонлашуви туфайли экологик кескинликнинг ошиши.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

**Хоразм вилояти туманларини қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти
ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари асосида гуруҳлаш⁷.**

2007 йил	Ўсиш сурати, %	2008 йил	Ўсиш сурати, %
I Юқори даражада	110,0 юқори	I Юқори даражада	110,0 юқори
Хазорасп тумани	114,0		
II Ўртача даражада	105,0 юқори	II Ўртача даражада	105,0 юқори
Боғот тумани	108,9	Гурлан тумани	106,3
Гурлан тумани	108,0		
Янгибозор тумани	105,9		
III Паст даражада	100,0 юқори	III Паст даражада	100,0 юқори
Қўшқўпир тумани	102,5	Хива тумани	102,9
Урганч тумани	102,9	Урганч шаҳри	102,8
Ҳонка тумани	103,9	Урганч тумани	102,8
Хива тумани	100,4	Боғот тумани	102,3
Шовот тумани	102,9	Хазорасп тумани	102,1
Янгиариқ тумани	102,8	Ҳонка тумани	102,0
Урганч шаҳри	101,9	Қўшқўпир тумани	101,9
		Янгиариқ тумани	101,6
		Янгибозор тумани	101,6
		Шовот тумани	100,9

Фикримизча, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқончилик ва чорвачиликни барқарор ва самарали ривожлантириш бўйича муайян ички имкониятлар мавжуд. Тадқиқот ишида Хоразм вилояти аграр тармоғини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди:

- ер ва сув тизимлари ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида вилоят ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- инвестициявий фаолиятни жадаллаштириш, лизинг операцияларини кенгайтириш ва техника билан таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- тармоқни барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлилигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бозорга кириб боришидаги тўсиқларни камайтиришга қаратилган қишлоқ хўжалигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун қулай

⁷ Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

шароитлар яратиш тармоқни ривожлантиришнинг муҳим омилidir. У бозор инфратузилмасини ривожлантириш, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш орқали таъминланади;

- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

Тадқиқот ишида Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг барқарорлигига таъсир қилувчи омилларнинг SWOT-таҳлили амалга оширилди, (2-жадвал). Вилоят қишлоқ хўжалигининг минтақавий хусусиятлари бўйича амалга оширилган SWOT-таҳлил, муаллифга иқтисодийнинг аграр тармоғини барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи асосий омилларни ажратиш кўрсатиш имконини берди:

- ташкилий омиллар – ишлаб чиқариш салоҳиятидан комплекс фойдаланиш; оптимал инфратузилма; ишлаб чиқариш ва хизматларнинг ихтисослашуви; деҳқончилик ва чорвачиликнинг илғор тизимларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш; илмий фаолиятни ташкил қилиш, ахборот таъминоти;

- буларнинг барчаси ерлардан, меҳнат, моддий ва табиий ресурслардан, илмий салоҳиятдан оқилона фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши ва самарадорлигини оширишга қаратилган;

- иқтисодий омиллар - аграр тармоқни оқилона юритишни ижтимоий - иқтисодий бошқариш; кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъминловчи таъсирчан давлат бошқаруви. Табиатни муҳофаза қилувчи, ресурсларни тежовчи мелиоратив тизимларни молиялаштириш; тақрор ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлашда нархни шакллантириш тизимини такомиллаштириш; оқилона кредит-солиқ тизимини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш; товар бозорларини шакллантириш ва бошқариш; табиатдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш;

- биологик омиллар – қишлоқ хўжалиги экинлари навлари ва гибридлари, чорва моллари ва паррандалар зотлари биологик салоҳиятини ошириш; ўсимликлар, экинлар ва ҳайвонларнинг мослашувчанлигини ошириш; ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларини кенгайтириш; тупроқ ҳосилдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалиги моллари маҳсулдорлигини ошириш; табиий муҳит сифатини яхшилаш;

- техник-технологик омиллар – ресурсларни тежовчи технологиялар; техник воситалар ва жиҳозларни модернизация қилиш; фан ютуқларига асосланган жараёнларни жорий этиш; соҳалар ва хизматларни автоматлаштириш, компютерлаштириш;

- экологик омиллар - экологик мониторинг ва экспертизаларни ташкил қилиш; тупроқни ҳимоя қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш чоратadbirlari комплекси; экологик хизматларни шакллантириш; экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш.

**Хоразм вилояти кишлок хўжалигини барқарор ривожлантириш
омилларининг SWOT – таҳлили⁸.**

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<ul style="list-style-type: none"> • мазкур соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали деҳқонларнинг мавжудлиги; • пахта хом ашёсини етиштириш бўйича тўпланган кўп йиллик тажриба; • тармоқда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлиги; • ишлаб чиқариш омиллари кийматининг пастилиги; • кишлок хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун қулай географик жойлашуви; • кишлок хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун ташқи бозорлар борлиги; • кишлок хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш қувватлари борлиги; • фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ташкил этилиши; • самарали натижаларга эришиш учун меҳнатни мотивациялашнинг кучайиши. 	<ul style="list-style-type: none"> • пахта ва донни марказлаштирилган сотув нархларида давлат томонидан сотиб олинishi; • ишлаб чиқариш ресурсларининг устун даражада марказлашган тарзда тақсимланганлиги; • сугориш сувлари сифати ҳамда сув хўжалик инфратузилмаси ҳолатининг ёмонлашуви, унинг тақчиллиги; • ер сифатининг ёмонлашуви; • фермерларнинг ресурс имкониятлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш тузилмасини танлаш эркинлиги чекланганлиги; • молиялаштириш, ресурслар ва хизматлар таъминотчилари билан ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларининг самарасизлиги; • меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш механизмларининг йўқлиги; • кишлок жойларда бозор инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги; • фермерлар ва деҳқонлар иқтисодий-ҳуқуқий билимларининг паст даражаси.
Ташқи имкониятлар	Ташқи таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> • пахтачилик маҳсулотлариغا раҳон бозоридаги талабнинг барқарорлиги; • сувдан фойдаланиш тизими ва ирригацион-мелиоратив тизимни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхшиланиши; • кишлок хўжалигида институционал ислохотлар чуқурлашуви; • аграр тармоқни барқарор ривожлантиришнинг макроиқтисодий механизмларини такомиллаштирилиши; • фермер хўжалиklarини ривожлантириш барқарорлигининг ортиши, уларнинг йириклашуви ва истисослашуви; • мақсадли бандлик, шу жумладан, кишлок хўжалигидан ташқаридаги тармоқларда ҳам ушбу дастурларни ишлаб чиқиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • вилоятнинг турли ҳудудларини сув билан таъминланганлигининг ўзгариб туриши; • қонуқчилик базасининг тез-тез ўзгариб туриши; • тармоқнинг давлат томонидан етарли инвестицион қўллаб-қувватланмаслиги; • тармоқнинг паст инвестициявий жозибadorлиги; • ресурслар ва хизматларни қайта ишлаш, сотиб олиш ва етказиб беришдаги монополизм; • интеграциявий жараёнларнинг кучайиш муносабати билан савдо сиёсатида ўзгаришлар юз бериши мумкин, бу эса, импортнинг ички истеъмол бозорига босими кучайишига олиб келади; • мамлакат «озиқ-овқат хавфсизлиги» ҳолатидаги ўзгаришлар.

Тадқиқот ишида тармоқни истиқболда ривожлантиришнинг муқобил сценарийлари ишлаб чиқилди. Улардан биринчиси – инерцион, кишлок хўжалиги сиёсати жорий амалиёти ўзгармаслигини ҳамда ҳосилдорликнинг ўсиш динамикасидаги тенденцияларни сақлаб қолишни назарда тутди. Бунда агросаноат ишлаб чиқаришининг ҳажмлари ва тармоқ тузилмасини

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ўзгармасдан сақланиб қолиши кўзда тутилади.

Асосий кишлок хўжалиги маҳсулотларига давлат буюртмаси ҳамда нархларни давлат томонидан бошқарилиш сиёсатининг сақланиб қолиши кишлок хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини камайтиради ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига инвестициялар окимини қисқартиради.

II-вариант бўйича пахтачилик асосий тармоқ ишлаб чиқариш ихтисослашуви сифатида сақланиб қолади, уни фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлган ҳудудларда жойлаштириш рағбатлантирилади. Бу ҳолда, кишлок хўжалиги ривожлантирилишининг асосий йўналиши деҳқончиликнинг илмий асосланган тизимларини қўллаш, илмий-техник ютуқларни жорий этиш ҳамда товар ишлаб чиқарувчилари иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмни такомиллаштириш ер ресурсларидан оқилона ва жадал фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий тузилмасидаги ўзгаришлар, табиий-иқтисодий омилларни самарали қўллашни ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда юз беради.

III-вариант минтақа экологик ҳолатини сақлаш муаммосининг кескинлашгани ҳисобга олинади. Кучли шўрланган ерларни гидромелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини тиклаш айниқса катта инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади, бундай ерлар минтақадаги суғориладиган ерларнинг 13,3 фоизини ташкил қилади. Чекланган капитал кўйилмалардан оқилона фойдаланиш ҳамда сув ресурсларини тежаш мақсади ушбу ерларнинг бир қисмини вақтинчалик кишлок хўжалиги айланмасидан чиқариш механизмни қўллаш ва шўрга чидамли экинларни экишни кўзда тутади.

IV-вариант кишлок хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёж ҳамда суғориладиган ер майдонлари ўртасидаги номутаносиблик туфайли, сув ресурсларининг тақчиллиги, минтақа аҳолиси сонининг истикболли ўсишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Кишлоқ хўжалигининг бозор муносабатларига мослашуви ҳамда ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш босқичида мўтадил ривожланиши учун кишлок хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга банклар кредитларидан, ташқи инвесторлар маблағларидан фойдаланиш имкони берилиши лозим. Бунинг асосида кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг рентабеллигини ошириш учун деҳқончилик ва чорвачиликда юқори унумдор ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни талаб қилади.

Тадқиқот ишида бозор муносабатларининг чуқурлашуви босқичида турган кишлок хўжалигини ривожлантириш фақатгина узоқ муддатли

барқарор ўсиш омилларига эмас, балки инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг янги босқичи, табиатдан фойдаланиш бўйича минтақавий тизимнинг яратилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бозор талабларига жавоб берадиган тармоқ тузилмаси, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг самарали фаолияти билан боғлиқ эканлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертацияда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш фермер хўжалиқлари барқарор ривожланиши билан боғлиқликда асосланган. Фермер хўжалиқларини барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган, (3-расм).

Фикримизча, ушбу стратегияни қуйидаги кетма-кетликда босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Мослашиш босқичи. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг бозор шароитларига мослашиши ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлашуви давридир. Бу босқичнинг ҳуқуқий негизини «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ер кодекси» қонунлари, «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, «Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эхтиёжи учун қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиқларини қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар ташкил қилади. Бу ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатларнинг мақсади - кам рентабеллик ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжалиқлари асосида фермер хўжалиқларини ташкил қилиш ва уларни самарали фаолият олиб боришига етарли шарт - шароитлар яратишдан иборатдир. Ҳозирда фермер хўжалиқлари барқарор ривожланиши уларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш жараёни билан боғлиқдир.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, кичик ер эгалари бўлган фермер хўжалиқларининг молиявий аҳволи, уларга барқарор ривожланиш имкониятини бермайди. Монографик тадқиқот натижаларига кўра, «Арсланбек-Русланбек», «Мадаминов Ўразгул» фермер хўжалиқларининг 2005-2008 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу фермер хўжалиқлари 2008 йилда ўз фаолиятларини 139,9 минг сўм ва 4,6 млн сўм зарар билан якунлаганлар.

Бу хўжалиқларда ўртача ер майдони 5 ва 19,6 гектарни ташкил қилади. Техника билан таъминланиш даражаси етарли эмас. «Эркабой» ва «Жалолитдин-Мехрибон» фермер хўжалиқларига бириктирилган ер майдони ўртача 22,9 ва 27 гектарни ташкил этди, бу хўжалиқлар 2007 йилни паст

17
resurs markazi


Inv № A-14112

рентабеллик даражаси билан яқунладилар. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришда (пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган) уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш куйидаги натижаларни кўзда тутуди; юқори рентабеллик даражасига эга бўлган хўжаликлар сонини кўлайитириш; ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш; агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш; техника билан таъминлаш даражасини ошириш ва бошқалар.

2. Иккинчи босқич – рақобатли ривожланиш босқичи. Молиявий барқарор ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини шакллантириш уларни инновацион ривожланиш моделига ўтиш муаммолари билан боғлиқдир. Тараққий этган мамлакатларда инновацион омилларни стратегик салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли, тадқиқот ишида рақобатбардош маҳсулот тайёрловчи фермер хўжаликларини ривожлантириш уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомил-лаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг институционал асосларини яратиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Муаллиф фикрича, хўжалик юретишнинг янги шакллари ривожлантирилишида институционал ўзгаришларга мос келадиган аграр соҳанинг давлат томонидан тартибга солиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тақозо этилади.

Ушбу механизмни шакллантиришнинг мақсади агросаноат ишлаб чиқаришини самарали юритиш, аграр бозорни шакллантириш, қишлоқ худудларини ривожлантириш, экологик мувозанатни тиклаш учун ташкилий-иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш асосида бозорни ижтимоий мақбул нархлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат тармоғини кишлоқ хўжалиги хом ашёси билан таъминлашдан иборатдир.



3-расм. Хоразм вилояти фермер хўжалиklари барқарорлигини оширишнинг стратегик йўналишлари⁹.

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Диссертация ишида аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилишини куйидаги йўналишларда амалга ошириш тавсия этилган:

- молиявий (қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватловчи махсус жамғармалар жорий қилиш, инновацион жараёнларни молиялаштиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ривожланишини таъминлаш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик мураккаб бўлган ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, инвестицион муҳитни яратиш, суғурта ва банк тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш ва ҳ.к.);

- нарх-наво ва солиқ (талаб ва таклифга асосланган эркин бозор нархларини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги нархлар паритетини сақлаш, минимал кафолатланган нархлар механизмини жорий қилиш, қайта ишлаш, агросервис хизмати ва маҳсулотларни сотиш жараёнларида рақобат муҳитини шакллантириш, рента тўловларига асосланган ягона ер солиғи механизмини такомиллаштириш ва ҳ.к.);

- бозор инфратузилмасини (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шакллантириш, молия-кредит институтларини ривожлантириш, маркетинг, консалтинг ва ахборот тизимларини ривожлантириш ва ҳ.к.);

- бошқарув тизими (давлат минтақа ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳисобга олувчи бошқарув механизмларини жорий қилиш, маҳсулот сифатини назорат қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини шакллантириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ҳ.к.);

- ижтимоий (қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни кафолатлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.);

- инновацион (мақсадли давлат, соҳа ва ҳудудий илмий-технологик инновацион дастурлар механизмини шакллантириш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцион шаклларини жорий қилиш ва ҳ.к.);

- қонуний (фермер ва деҳқон хўжаликларининг мустақил хўжалик юритиш мақомини таъминлаш бўйича ҳуқуқий-меъёрий шарт - шароитларни таъминлаш «Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.).

Тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлиллар Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши учун қулай истиқболларга эга, деган ҳулоса қилиш имконини берди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида бозор муносабатларига асосланган барқарор ривожлантиришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш тизимларини

шакллантириш учун объектив шарт-шароитлар мавжуддир.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида куйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган институционал ислохотлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш тушунчаси мазмунига янгича ёндашувлар қўлланишини талаб қилади. Ушбу тушунча мазмуни қишлоқ хўжалиги тармоғини бозор муносабатлари таъсирида жадал ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

2. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, аграр соҳани барқарор ривожланиши чегараловчи: институционал, молиявий, нарх, минтақавий ва бошқа тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ, Ривожланган ва миллий иқтисодиётнинг трансформациялаш давридаги мамлакатлар аграр сиёсатдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тизимли механизмларини шакллантириш зарурлигидан далolat бермоқда. Ушбу ҳолат мамлакат ва унинг минтақалари агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида ҳисобга олиниши керак.

3. Минтақа шароитида экологик ҳолат кескинлашувининг асосий сабаблари қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал қилиш учун хўжалик механизмининг иқтисодий бошқарув усулларига асосланган принципаал янги турига ўтиш кераклигини тақозо этмоқда. У ўз ичига ресурслардан фойдаланишни худудий бириктирилишидан комплекс фойдаланиш тизимига ўтилишини талаб қилади. Бунинг учун табиий ресурсларга бўлган мулкчилик муносабатларини тубдан қайта қуриш бошқаришнинг иқтисодий усулларини кучайтириши зарур.

Тадқиқот ишида минтақада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган куйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Аграр соҳани барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этиб, куйидагиларни ўз ичига олади:

- агросаноат мажмуасида тармоқлараро алоқаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши; солиқ, кредит ва молия сиёсатини мақбуллаштириш, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш;

- бозор конъюнктурасини, мазкур минтақанинг табиий, экологик ва иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олиб, аграр ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш;

- инновацион жараёнларни жадаллаштириш асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш ва экологиялаштириш;

- қишлоқ хўжалик кооперацияси ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш;

- маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш;

- агросаноат мажмуасининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантириш.

2. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳудудни агро-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан биргаликда фермер хўжаликларини бозор шароитига самарали мослаштирилишини ва уларни рақобатбардошлик даражасини оширишни талаб қилади. Шу мақсадда, тадқиқот ишида фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда, уларни барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантиришга услубий ёндашувлар таклиф қилинди.

3. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа объектив шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатлари таъсирида соҳадаги институционал ўзгаришларнинг мазмуни ва шаклларини тадқиқ қилиш, фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш асосида ўсиб бораётган ички ва ташқи бозор эҳтиёжларини қондириш, шу мақсадда агросаноат мажмуаси тармоқларни ўзаро самарали алоқаларини таъминлаш, уларни таркибий қайта қуриш ва давлат тарафидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ.

1. Рўзметов Б., Ражапов К. Бизнес-режа// Ўқув услубий қўлланма. – Урганч, 2000. – Б.20-22.

2. Ражапов К. Хоразм вилоятида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2000.-№9.- Б.42-43.

3. Ражапов К. Иқтисодиётнинг теран томири// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2000.-№5. – Б.14.

4. Ражапов К. Хоразм вилоятида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари// Республика илмий-амалий анжуман материаллари.- Тошкент, 2000.- Б.73-78.

5. Ражапов К. Хоразм қишлоқ хўжалигида кўп укладлилиқнинг истиқболлари// Урганч давлат университети «Илм сарчашмалари» журнали.- Урганч, 2001.- №3.- Б.49-52.

6. Ражапов К. Хоразмда ер ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари// Урганч 350 йиллигига бағишлаган республика илмий-амалий анжуман материаллари.- Урганч, 1999. Б.33-34.

7. Ражапов К., Абдуллаев И. Совершенствование структурной отраслевой политики в промышленном производстве и аграрном секторе

Хорезмского региона в условиях либерализации экономики//МГУ научная конференция.- Москва, 2001. - С.90-92.

8. Ражапов К., Эгамов Б. Концептуальные основы формирования конкурентоспособности региональной экономики// Экономический потенциал Узбекистана: современное состояние и перспектива его использования: материалы республиканской научно-практической конференции.- Ташкент, 2006.- С.45-47

9. Ражапов К. Проблемы повышения конкурентоспособности и устойчивого развития региона в условиях либерализации экономики// Основные принципы аграрных преобразований в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции.- Ургенч, 2007.- С.26-27.

10. Ражапов К. Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в перерабатывающей отрасли региона// Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в повышении занятости населения: материалы научно-практической конференции.- Ташкент, 2008.-С.415-416.

11. Ражапов К. Основные принципы аграрных преобразований в Узбекистане// Инновационные проблемы социально-экономического развития региона: материалы научно-практической конференции.- Ургенч, 2008.- С.67-68.

12. Ражапов К., Рузметов Ш. Региональные особенности аграрных реформ в Узбекистане// Инновационные проблемы социально-экономического развития региона: материалы научно-практической конференции.- Ургенч, 2008.- С.69-71.

13. Ражапов К. Предпосылки устойчивого развития сельско – хозяйственного производства в условиях рыночной экономики// «Экономика и Финансы».- Москва, 2009.- №12.- С.6-9.

14. Ражапов К., Юсупова И. Структурные преобразование и развитие аграрного сектора Хорезмского региона// «Экономика и Финансы».- Москва, 2009.- №12.- С.10-11.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олишга талабгор Камоладин Эркаевич Ражаповнинг 08.00.04. - «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти» иқтисослиги бўйича «Институционал ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (Хоразм вилояти мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: агросаноат мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, барқарорлик, самарадорлик, механизм, индикатор, рақобатбардошлик, ер-сув ресурслари, экология.

Тадқиқот объекти: Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий - амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: абстракт-мантикий, монографик, ҳисоб-китоб-конструктив, иқтисодий-статистик, индексли, қиёсий таҳлил, SWOT-таҳлили.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: иқтисодиёт аграр секторини барқарор ривожлантиришга қаратилган услубий ёндашувлар умумлаштирилди ва худудни ижтимоий - иқтисодий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш йўналишлари аниқлаштирилди; «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлиги» тушунчасига такомиллашган таъриф берилди; бозор ислохотларининг чуқурлашуви шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар гуруҳлаштирилди; Хоразм вилоятида аграр сектор ривожланиш тенденциялари, вилоятда сув ресурслари тақчиллиги ва экологик кескинликнинг кучайиши шароитида унинг барқарорлик даражаси аниқланди; фермер хўжалиklarини бозор шароитларига мослаштиришни акс эттирувчи барқарор ривожланиш стратегияси шакллантирилиши бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилди; Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари аниқланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотнинг амалий натижалари ҳукумат томонидан аграр сектор ва қишлоқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрлашнинг ўрта ва узоқ муддатли мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: вилоят ҳокимияти ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юрларида «Қишлоқ хўжалиги» фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: агросаноат мажмуаси, олий ўқув юрлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Камоладдина Эркаевича Раджапова на тему: «Устойчивое развитие сельскохозяйственного производства в условиях институциональных реформ (на примере Хорезмской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04. - «Экономика агропромышленного комплекса»

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, сельское хозяйство, фермерские хозяйства, дехканские хозяйства, устойчивость, эффективность, механизм, индикатор, конкурентоспособность, водно-земельные ресурсы, экология.

Объекты исследования: хозяйствующие субъекты функционирующие в сельском хозяйстве Хорезмской области.

Цель работы: разработка научно-практических рекомендаций по устойчивому развитию сельскохозяйственного производства в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: абстрактно-логический, монографический, расчетно-конструктивный, экономико-статистический, индексный, сравнительный анализ, SWOT-анализ.

Полученные результаты и их новизна: обобщены методологические подходы по устойчивому развитию аграрного сектора экономики, и определены направления пропорционального социального, экономического и экологического развития региона; дано усовершенствование определение «устойчивость сельскохозяйственного производства»; сгруппированы факторы, влияющие на устойчивое развитие сельскохозяйственного производства в условиях углубления рыночных реформ; определены тенденции и уровень устойчивости развития аграрного сектора Хорезмской области в условиях недостаточности водных ресурсов и обострения экологической ситуации; разработаны методологические подходы к стратегии устойчивого развития фермерских хозяйств и их приспособления к рыночным условиям; определены перспективные направления устойчивого развития сельского хозяйства Хорезмской области.

Практическая значимость: практические результаты исследования могут быть использованы государственными органами при разработке долгосрочных и среднесрочных целевых программ развития аграрного сектора и сельской местности, стратегии социально-экономического развития региона.

Степень внедрения и экономическая эффективность: принято для использования на практике хокимиятом и ассоциацией дехканских и фермерских хозяйств области. Результаты диссертации могут быть использованы в совершенствовании учебных программ и в преподавании курсов «Экономика сельского хозяйства» в высших учебных заведениях.

Область применения: агропромышленный комплекс, высшие учебные заведения.

RESUME

thesis of Kamoladdin Erkaevich Radjapov on theme scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic on speciality 08.00.04 - "Economy of Agro-industrial complex" subject: "Steady development of agricultural production in the conditions of deepening Economic reforms (Evidence from Khorezm region)

Key words: agro-industrial complex, agriculture, farms, households, stabilizing, effectiveness, mechanism, indicator, compatibility, land and water resources, ecology.

Subject of the research: Agriculture of Khorezm region and the activities of agricultural enterprises.

Purpose of work: producing scientific-methodological approaches and recommendations to implement in the conditions of deepening institutional reforms steady development of agricultural production in the Republic.

Methods of research: obstruct-logical, monographic, accounting, constructive, economic-statistic, index-chains, comparative analysis, SWOT analysis and other methods.

The results obtained and their novelty: In order to develop steadily agricultural sector of the economy methodic approaches are gathered and the characteristics and ways of social, economic and ecologic appropriate development is identified. The term of "Steady development of agricultural production" is explained; in the conditions of deepening Economic reforms the factors which affect the steady development of agricultural production are grouped; the main tendencies of Khorezm region agricultural sector development and the stable development degree is identified in the conditions of water scarcity and ecologic tension; methodic approaches are produced in order to establish stable development strategies based on efficient usage of farm economic potential and to show their adaptation to market conditions; prospective ways of steady development of Khorezm region agriculture is identified.

Practical value: the practical results of the research can be used by authorities in order to produce long and short term programs to develop agricultural sector and rural places, and to identify the strategy of economic and social development of the Region.

Degree of embed and economic effectivity: is accepted in order to implement by the regional khakimiyat, household and farmers associations.

Field of application: agro-industrial complex and higher education institutions.

Тадқиқотчи: 